

БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Шоҳида Оманкулова

Ўзбекистон-Финландия педагогика институти, педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7184156>

Аннотация. Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда модулли ўқитиш технологияларининг самарали эканлиги мазкур мақоланинг мазмунини ташиқил этишиди. Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчисини ўқитиш учун модулли ёндашувнинг долзарблиги меҳнат бозорини таҳлил қилиш имкониятидан фойдаланиш, илгари амалий ўқитиш билан таъминланмаган амалиётнинг кескин касбий эҳтиёжларини аниқлашдир.

Калит сўзлар: модулли ўқитиш технология, компетенция, мусиқа таълими ўқитувчиси, олий таълим.

ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация. Эффективность модульных технологий обучения в повышении профессиональной компетентности будущих учителей музыкального образования составляет содержание данной статьи. Актуальность модульного подхода к подготовке будущего учителя музыкального образования заключается в использовании возможности анализа рынка труда, выявления острых профессиональных потребностей практики, ранее не обеспечивавшихся практическими занятиями.

Ключевые слова: модульная технология обучения, компетентность, учитель музыкального образования, высшее образование.

TECHNOLOGIES OF INCREASING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE TEACHERS OF MUSIC EDUCATION

Abstract. The effectiveness of modular teaching technologies in increasing the professional competence of future teachers of music education is the content of this article. The relevance of the modular approach to the training of the future teacher of music education lies in the use of the possibility of analyzing the labor market, identifying the acute professional needs of the practice, which were not previously provided with practical classes.

Keywords: modular teaching technology, competence, music education teacher, higher education.

КИРИШ

Замонавий жамиятда, олий таълим инсон фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бундай эътиборнинг сабаби замонавий жамиятнинг энг муҳим қиймати ва асосий капитали янги билимларни қидириш ва ўзлаштиришга, ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир мутахассисни тайёрлаш эканлигини тушунишдир. Замонавий педагогик фаннинг муҳим йўналиши ўқитувчини ўқитиш жараёнининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган воситалар ва шароитларни излашдир. Бу борада Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи

даражали вазифамиз деб биламиз” деган фикрлари таълим тизимида фаолият юритаётган олий таълимнинг педагог ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ижтимоий ҳаёт тараққиёти Ўзбекистон Республикаси таълим тизими олдида бир қатор ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга ошириш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда. Булардан айримлари сифатида таълим сифатини тубдан яхшилаш, фанлар, мавзулараро, таълим босқичлари ўртасидаги алоқадорлик ва узвийлик муаммоларини ҳал қилиш, таълимнинг барча учун очиклигини таъминлаш, дунёнинг ривожланган илмий-таълимий муҳити билан интеграциялашув жараёнларини тезлатиш кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бундай муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ўқув-тарбия жараёнига модулли ўқитиш технологияларини жорий этиш таълимда қўйидаги имкониятларни очиб беришга хизмат қилади:

таълим жараёни мазмунини танлаш, режалаштириш, лойиҳалаш, ташкил қилиш, амалга ошириш, бошқариш ва сифатини назорат қилиш методологиясини такомиллаштириш;

таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, уни индивидуаллаш;

ўқув жараёнида таълим субъектлари-педагог ва ўқувчи ҳамкорлик фаолияти мазмунининг янги шаклларининг юзага келиши;

бўлажак педагогларни касбий компетентлигини такомиллаштириш.

Мамлакатимиз таълим тизими олдида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, унинг очиклиги, инсонпарварлиги ҳамда шахсга йўналтирилганлиги, таълимнинг барча бўғинлари орасидаги узвийликни, дунё таълим муҳити билан интеграциялашувини таъминлаш каби бир қатор муҳим долзарб вазифаларни бажариш масаласини кўндаланг қилиб қўйди.

Ўқувчи шахсига таълим-тарбия берадиган умумтаълим мактаблари олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши, аввало, олий таълим муассасаларида педагог кадрларни сифатли тайёрлашга боғлиқ. Мутахассисларнинг компетентлилик даражаси, касбий маҳорати, педагогик жараёнларни тўғри ва мақсадли бошқара олиши ўқувчи шахсини таркиб топтириш муваффақиятини белгилаб беради. Бу олий педагогик таълим тизими, умуман таълим ва кадрлар тайёрлаш учун масъул бўлган барча ташкилотлар олдида бўлажак педагогларнинг баркамол шахсни тарбиялаш жараёнларини ташкил қилиш ва бошқаришга касбий тайёргарлиги масалаларини янада мукамал тадқиқ қилишдек долзарб вазифани қўяди.

Бундай мақсадларга эришиш йўлида олий таълим тизими ўқув-методик базасини янада мустаҳкамлаш, талабаларни ҳар томонлама интеллектуал билим олишлари учун шароитларни янада яхшилаш, кадрларнинг илмий салоҳиятини, касбий компетентлигини ошириш лозим бўлмоқда.

“Компетенция” сўзи фанда илк бор XX асрнинг 50-60-йилларида қўлланган ва инсоннинг бирор фаолиятни амалга ошириш лаёқатини билдирган. “Компетенция” билим, кўникма ва малакаларнинг самарали қўлланиши; “компетентлилик” эса муайян фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд ҳамда юзага чиқиши мумкин бўлган лаёқатдир. Шу боис ҳар бир фанни ўқитиш жараёнида унинг мазмуни ҳамда хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унга доир компетенциялар шакллантирилади [6].

Касбий компетентлилик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллаш олинишидир [4].

Талабаларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштириш муаммосининг долзарблиги мусиқа ўқув юртларини тугатган битирувчиларнинг кўпинча мустақил касбий фаолиятга лаёқатсизлиги билан боғлиқ. Камчиликлар орасида мусиқий маданият ва санъат соҳасидаги билимларнинг чекланганлиги, мусиқа таълими методологияси, мутахассис тайёрлаш ва ижрочилик амалиётининг етарли эмаслиги алоҳида аҳамиятга эга. Кўпинча ёш мутахассиснинг тўлиқ ижодий қобилиятсизлиги мавжуд. Шундай қилиб, бўлажак мусиқа ўқитувчисининг ижодий фаолиятини, ўзини ўзи англашга ҳисса қўшадиган, битирувчининг касбий компетенциясини такомиллаштиришга таъсир қилувчи омилларни ажратиш кўрсатиш керак.

Санъат – ўз моҳияти ва ижтимоий мазмунига кўра ҳар қандай миллий маданиятнинг узвий қисми сифатида муайян давлат, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиёти даражасини белгиловчи энг муҳим ва устувор мезонлардан биридир.

Санъат йўналишидаги таълим, у қандай бўлиши керак?

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан ижодкорларга қаратилаётган эътибор ва эҳтиром соҳа вакилларининг меҳнатини рағбатлантириши билан бирга ҳар бир ижодкорнинг ижтимоий масъулиятини ҳам ошириб, ўз фаолиятига янгича нуқтаи назар билан қарашга даъват этди. Хусусан, Президентимиз томонидан қабул қилинган “Миллий маданиятни янада чуқурлаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорда маданият ва санъат йўналишида малакали кадрлар тайёрлаш тизимида таълим-тарбия ва махсус ижодий-касбий дастурлар ўртасида узвийлик ва ворислик тамойилларининг йўқлиги, талаба-ёшларни ўқитишда яқка тартибдаги ўқув услубидан самарали фойдаланилмаётгани алоҳида қайд этилган эди [7].

Мусиқий қобилият. Маълумки, мусиқани ўрганишнинг бошланғич босқичида мусиқий ўқув жараёнида унинг ривожланишига катта эътибор берилади ва ўзига хос мусиқий қобилиятлар етакчи аниқловчи ҳисобланади. "Мусиқий қобилиятлар психологияси" асарида Б.М.Теплов шундай ёзади: "Мусиқий қобилият" мусиқий фаолиятнинг бир қисми сифатида, ҳар қандай бошқа мусиқадан фарқли ўлароқ, лекин шу билан бирга мусиқий фаолиятнинг ҳар қандай тури билан боғлиқ бўлган индивидуал психологик хусусиятлар мажмуидир"[3] деган фикрларни билдирган

Замонавий мусиқа таълими ўқитувчиси дуч келадиган биринчи умумий муаммо тавсия этилаётган дастурнинг ўзгарувчанлиги ва унинг чекланганлиги билан боғлиқ. Педагогик муаммоли вазиятлар кўпинча ўқитувчи эга бўлиши керак бўлган барча ўқув мажмуасидан, масалан, ишчи режаларидан фойдаланиш керак бўлганда уларни қандай амалга оширишни тушунмаслигидан юзага келади. Бу, айниқса, минтақавий ўқув муассасаларидаги ва олий таълимда етарлича касбий кўникмаларга эга бўлмаган мусиқа ўқитувчиларига тегишли. Уларнинг бундай вазиятга тушиши ишчи режадаги ўқитилиши керак бўлган мавзулар, кўрсатмалар, қўшимча дидактик материалларни электрон шаклда тақдим этиш учун техник воситалар (видеопроэктор, электрон доска ва бошқалар) мактабда бўлса ҳам кўпинча ўқитувчига берилмайди, берилганда ҳам ўқитувчи ишлатиш лаёқатига эга эмаслигидан келиб чиқади. Агар биз туман ҳудудлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бундай воситаларни мустақил равишда излаш жуда қийин бўлиб кўринади, аксарият ҳолларда ҳеч қандай уриниш ҳам бўлмайди. Тавсия этилган дастурларнинг муаллифлари ўқитувчилар учун зарур бўлган материалларни очиқ электрон нусхада нашр эттирмайдилар, китоб дўконларида янги тўпламлар ҳар доим ҳам мавжуд эмас, аммо кутубхоналарда фақат эскирган нусхаларни топиш мумкин аммо, янги ижод этилган мусиқий асарларни ҳар доим ҳам топа олмаслигини айтиб ўтишди. Ушбу муаммо мусиқа ўқитувчиларига таклиф этилаётган компетенциявий талаблар сабабли долзарб бўлиб бормокда.

Замонавий шароитларда мусиқа таълими ўқитувчиси фаолиятини тавсифловчи иккинчи умумий муаммо - бу асосий ўқув-услубий мажмуаларда ва бошқа материалларда, баъзан эса мавҳум шароитларда, уларни амалга ошириш усулларида тавсия этиладиган ўқитиш методларининг ўзгарувчанлиги, улар бўйича ҳар доим ҳам касбий тайёр бўлмаганлиги, мусиқа танловларининг муайян иш шароитларида қўлланилиши. Шу билан бирга, очиқ дарсларда ва бошқа дарс шакллари аналга ошириш жараёнида мусиқа ёрдамида мусиқа ўқитиш, таълим бериш ва шахсни ривожлантиришнинг мавжуд кенг кўламли фаолиятларини амалда намойиш эта олмаслиги.

Учинчи умумлаштирилган муаммо - мусиқа дарси жараёнида болаларнинг мусиқий қобилиятларини юқори даражада ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш соҳасидаги ўқитувчиларнинг малакаси йўқлиги. Замонавий ўқув-услубий мажмуаларда мусиқа дарслари мазмунида бўлиши керак бўлган фаолият турлари учун умумий кўрсатмалар берилмаганлиги. Шу билан бирга, мавжуд усулларни танлаш ва қўллаш, усуллар ва воситаларнинг мақбул комплексларини шакллантириш бўйича аниқ тавсиялар ва алгоритмлар таклиф этилмаслиги, бу жиҳатларга ижодий ёндошиш малакасига эга эмаслиги. Талабаларга мусиқий саводхонлик, солфеджио, бир, икки овозли ва бошқа мусиқий фаолият турларини ўргатиш методикаси маҳаллий мусиқачилар ва ўқитувчилар томонидан чуқур ишлаб чиқилмаган.

Касбий фаолиятнинг бундай муаммоли таркибий қисмларини университетда модулли ўқитиш шароитида ўқув вазиятлари усули билан ўрганиш мумкин.

Модулни шакллантириш мезонлари қуйидагилардан иборат: модулни турли хил фанларнинг бир қисми сифатида ва мазмуни, амалий қиймат ҳуқуқини сақлаб туриб мустақил дарс сифатида ўқитиш қобилияти; мақсадлари ва вазифалари, иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва талабларига мувофиқ равишда уни қайта куриш имконияти. Ўқув модулининг бундай мослашувчанлигини таъминлаш уни турли касбий

гуруҳлар - бошланғич мусиқа таълими талабалари ва шунингдек, ушбу модул илмий тадқиқотлар, услубий кизиқиш уйғотиши мумкин бўлган битирувчи яъни, бўлажак мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда фойдаланиш имконини беради. Ўқув модулининг турларидан амалиётдаги ўқитувчилар, ўқув муассасаларининг маъмурий ходимлари ва умумий ва касб-ҳунар таълими муассасалари методистлари учун малака ошириш доирасида меҳнат бозори билан боғлиқ бўлган педагогик компетенцияларни шакллантириш воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Модул дастурларнинг мақсади албатта малакали мутахассисни етиштиришга хизмат қилади. Модул дастурини тузишда ана шу мутахассисга қандай талаблар тизими қўйилаётган эканини аниқлаб олишдан бошланади.

Бугунги кунда бўлажак мусиқа ўқитувчиси мутахассисига қўйиладиган умумий талаблар тизими ўрганилиб уларни уч асосий гуруҳга ажратишимиз мумкин. Мусиқа таълими ўқитувчисининг компетентлигини аниқловчи критерийларни қуйидаги категорияларга бўлиш мумкин.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Инструментал мусиқий компетенциялар:

- мусиқий анализ ва синтез қобилиятига эга бўлиш;
- режалаштириш ва ташкил этиш қобилияти;
- умумий педагогик базавий билимларга эга эканлиги;
- мусиқа таълими бўйича базавий билимларни эгаллаганлиги;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиш малакалари;
- ахборот материали билан ишлаш қобилияти;
- мусиқа таълими муаммоларини ечиш қобилияти;
- Қарорлар қабул қилиш қобилияти.

Комуникатив мусиқий компетентлилик:

- мусиқий танқид ва ўз-ўзини танқид қила олиш;
- гуруҳда фаолият кўрсата олиш;
- ўзаро мулоқатга кириша олиш;
- ахлоқий қадриятларни тан олиш;
- турли халқлар мусиқа маданиятига ҳурмат билан қараш;
- бошқа йўналишда фаолият юритувчи экспертлар билан муносабатга кириша олиш.

Тизимли мусиқий компетентлилик:

- мусиқий билимларини амалда тизимли равишда қўллай олиш;
- мусиқа таълими бўйича тадқиқот олиб бориш;
- янги шароитга мослашиш;
- мусиқий ижод қилиш;
- лидерлик қобилиятини ўстириб бориш;
- индивидуал ҳолда мусиқий фаолият юритиш қобилияти;
- мусиқий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш;
- янги ғояларни илгари суриш;
- масулиятлилик;
- муваффақиятга эришиш мотивининг ривожланганлиги.

Модул – бу фаннинг бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган фундаментал тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган ва дидактик тамойил асосида тузилган ўқув материалари

бирлиги бўлиб, унда фан бўйича ўқув дастурлари қисқартирилган ва чуқурлаштирилган тарзда табақалаштирилади. Натижада босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади.

МУҲОКАМА

Педагогларнинг фикрича, агар модул технологияси асосида ўқитиш тўғри ташкил этилса, таълимнинг ҳар қайси босқичида ўқувчи, талабалар янги ўқув материалларини ўзлаштирилади, кўникма ва малакасини такомиллаштирилади. Модул алгоритм асосида ишлаб чиқилади ва қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: аниқ мақсад, назарий билим, амалий машғулот, услубий кўрсатма йўл-йўриқлар, назорат, ўзлаштирилган билим, малакани синаш ва баҳолаш ва ҳоказо.

Модул технологияси асосида ўқитиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- модулли ўқитишдаги дастлабки шарт-шароитларни таҳлил этиш;
- модулнинг ўқув мақсадлари ва мазмунини белгилаш;
- ўқув-дидактик материаллари ва ўқитиш воситаларини тайёрлаш;
- назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;
- талабаларнинг олган назарий билими ва амалий кўникмаларини баҳолаш.

Юқорида келтирилганларнинг ҳаммаси таълим олувчиларни фикрлаш даражасини кенгайтириш, юз берадиган воқеа-ҳодисаларнинг сабабини англаш, изланишни ўргатишга қаратилган. Модул тизимининг моҳияти шундан иборатки, таълим олувчилар таълимнинг алоҳида бирлик модулларини изчил ҳолда кетма-кет ўзлаштирадilar.

ХУЛОСА

1. Модулли ўқитишдаги дастлабки шарт-шароитларни таҳлил этиш. Муסיқа фанида модул тизимини қўллаш эски модул бирлиги ўрнига тезда янгисини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш имкониятини беради. Муסיқа фанида модул тизими асосида таълим беришнинг афзаллиги шундаки, эътибор кўпроқ таълим олувчига, унинг ўз устида мустақил ишлаши, ҳамда ўз-ўзини назорат қилишига қаратилади. Модул тизими асосида ўқитишнинг давомийлиги таълим олувчининг тайёргарлигига ва касбий малакани қай даражада эгаллаш истагига боғлиқ. Ўқитишни таълимнинг истаган моделидан кейин тўхтатиш мумкин.

Муסיқа фанини модул технологияси асосида ўқитишга тайёргарлик кўриш, яъни назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш учун дастлаб уч йўналишда иш олиб борилади.

Биринчидан, талабаларнинг тайёргарлик ҳолати таҳлил қилиниб, уларнинг билими, ўқув материалларини ўзлаштириш даражаси ва қобилияти аниқланади. Чунки уларнинг таълим олишида ўзига ишончи, қобилияти, шахсий ҳолати, ва ёши муайян даражада таъсир кўрсатади. Ўқувчи-талабаларнинг қобилиятига кўра табақалаштириш асосида уларга фанни мустақил ўзлаштириш тавсия этилади

Иккинчидан, мавжуд шарт-шароитлар таҳлил этилади. У ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: ҳуқуий шарт-шароитлар; Бунда таълим жараёнига таалуқули ўқув режаси ва дастурлар ўрганилади. Ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ шарт-шароитлар; Бунда модул таркибига кирган назарий ва амалий машғулотлар ташкил қилинадиган жой ва бошқа шароитлар ўрганилади. Техникавий шарт-шароитлар; Бунда техник жиҳоз ва мосламалар, ўқув ва ёрдамчи аудиовизуал воситаларининг мавжудлиги, ҳолати ўрганилади.

Учинчидан, ўтиладиган мавзулар таҳлил қилиниб, модуллар мазмунини белгилашда зарур бўладиган турли манбалар, яъни ўқув материаллари ва бошқалар ўрганилади. Масалан: 1) мусиқа соҳаси бўйича дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётлар; 2) илмий адабиётлар (Электрон дарсликлар, Интернет маълумотлари) ўрганилади.

2. Мусиқа фанида модулнинг ўқув мақсади ва мазмунини белгилаш. Модул технологияси асосида ўқитишда дастлаб мусиқа фанининг ўқитиш мақсади ва мазмуни, модулларнинг мақсади ва мазмуни белгиланади. Ўқув мақсадлари якунида таълим-тарбия натижаси сифатида талаба эришиши лозим бўлган билим, малака ва шахсий кўникмалар белгиланади. Ўқув мақсадлари тармоқ таълим стандарти талаблари асосида ишлаб чиқилади. Модулни ўрганиш мақсади қанчалик аниқ бўлса, унга эришилганлик даражасини баҳолаш шунчалик осон бўлади.

3. Модул бўйича ўқув-дидактик материаллар ва ўқув воситаларини тайёрлаш. Ўқув дидактик материаллар ва ўқув воситалари дейилганда билим ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилувчи ахборот манбалари ва чолғу асбоблари тушунилади. Модулли технология асосида мусиқа фанини ўқитишда ўқув дидактик материаллар сифатида назарий ва амалий дарсларда матнли визуал воситалар, масалан, ўқув адабиётлари, электрон дарслик ва маъруза матнлари, тарқатма материаллар, услубий кўрсатмалардан фойдаланилади.

4. Назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш. Модул таркибига киритилган назарий машғулотларни кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади. Мусиқа фанларини модул технологияси асосида ўқитишда дарсларни қизиқарли ташкил этиш лозим. Бу таълим олувчилар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади ва уларнинг шу соҳага ёки кейинги дарсларда ўрганиладиган мавзуга қизиқишига ёрдам беради.

5. Ўқувчи-талабаларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакасини баҳолаш. Мусиқа фанини модул технологияси асосида ўқитишда талабалар билими ва кўникмалари ўқув мақсадларига мувофиқ ҳолда мунтазам баҳоланиши керак. Баҳолаш педагогик тамойиллар ҳамда Давлат таълим стандартларига асосланади. Баҳолаш орқали бутун модулни ўрганиш жараёни ва унинг барча компетенциялари мақбуллиги текширилиб кўрилади. Бу билан модулли ўқитиш кутилаётган натижани бераётгани ёки бермаётгани аниқланади. Талабаларга тафаккур қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар берилади. Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин бажарилган ишлар баҳоланади. Натижаларни гуруҳларда очик ойдин ва самимий муҳокама қилиш ҳам юқори самара беради. Модулни ўрганиш охирида якуний суҳбат учун вақт ажрат қилиши керак. Бу – талабалар фаолияти натижалари, уларнинг амалга оширган ва оширмаган ишлари юзасидан мулоҳаза юритиш учун яхши имконият беради.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. Бошук, Г. А. Педагогические основы творческой самореализации личности студента в концертмейстерской практике в вузе [Ўрта мактаб концерт-мастер амалиётида талаба шахсини ижодий ўзлаштиришнинг педагогик асослари]: тезис ... шам. пед фанлар / Г. А. Бошук. - Краснодар, 2004 - 196 б.
3. Теплов, Б. М. Мусикий қобилият психологияси / Б. М. Теплов. - Москва; Ленинград: РСФСР Педагогика фанлари академияси, 1947. - 355 б.
4. Муслимов Н.А ва б. Модулли-компитентли ёдашув асосида касб таълими ўқувчиларини касбий махсус компитентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: 2014. – 139. 47 б.
5. Ноулз М.Ш. Современная практика образования взрослых. Андрагогика против педагогики. – М.: Издательский отдел НМЦ СПО, 1998. с. 118.
6. Нарзиева Н.Н Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини таянч компетенциялар асосида машғулотлар жараёнида шакллантириш. Педагогика фан номзоди илмий даражасини олиш учун Афтореферат. Тошкент, 2019 й, 24б.
7. <https://uza.uz/oz/society/sanat-y-nalishidagi-oliy-talim-muammolarining-echimi-anday-b-01-06-2020>